



2023 – 2026 йилларга
мўлжалланган
**Суд тизимининг ахборот
сиёсати концепцияси**



E A S T • W E S T
M A N A G E M E N T
I N S T I T U T E

Ушбу концепцияни тайёрлаш ва чоп этиш Америка Қўшма Штатлар Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва унинг амалга оширувчи ҳамкори East West Management Institute (EWMI) орқали Америка халқининг қўллаб-қувватлаши ёрдамида амалга оширилди. Ушбу концепциядаги фикр ва мулоҳазалар USAID, АҚШ ҳукумати ёки EWMI нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.



1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2023 – 2026 йилларга мўлжалланган Суд тизимининг ахборот сиёсати концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, аҳолининг судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалда таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–11-сон Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Концепция судларда ахборот сиёсати билан боғлиқ устувор мақсадлар, йўналишлар, вазифалар, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Концепциянинг устувор мақсади судларнинг аҳоли билан мулоқотлар ўрнатишини самарали йўлга қўйиш, судлар фаолиятининг шаффофлигини кучайтириш, амалга оширилаётган суд ислохотларининг мазмун-моҳиятларини кенг ёритиш, суд ҳокимиятининг нуфузини юксалтириш, аҳолининг судларга бўлган ишончини ошириш, шунингдек кенг жамоатчиликда судлар фаолияти бўйича объектив ва холисона фикр-мулоҳазалар ҳамда қарашларни шакллантиришга қаратилган.

2-БОБ. СУДЛАРДАГИ АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР

Сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берди.

Шу ўринда, судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқароларга қатор қулайликларни яратди. Хусусан, судга мурожаат қилиш эркинлаштирилди, одил судловга эришиш даражаси оширилди ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имкониятлари кучайтирилди.

Судлар фаолиятига доир ахборотдан фойдаланиш имкониятлари янада оширилди, очиқ маълумотлар рўйхати шакллантирилиб, Олий суднинг расмий веб-сайтига мунтазам жойлаштириш амалиёти жорий этилди.

Натижада, **Олий суднинг расмий веб-сайти орқали ишга туширилган интерактив хизматлар порталида:**

- судларга электрон мурожаат йўллаш;
- суд ҳужжатларининг намуналаридан фойдаланиш;
- давлат божини автоматик тарзда ҳисоблаш;
- суд харажатларини электрон тўлаш;



- суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва шу каби бошқа кўплаб имкониятлар йўлга қўйилди.

Суд фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги янада кенг таъминланиб, ўтказиладиган суд мажлислари жадвали билан танишиш, суд қарорлари, судлар фаолиятига доир ҳисоботлар, ахборотлар, очик маълумотларни расмий веб-сайт орқали олиш, судда ишларнинг кўрилиш ҳолатини онлайн кузатиб бориш имкониятлари яратилди.

Суд билан аҳоли ўртасида доимий мулоқот қилиш шаклларининг янгича усуллари яратилди. Бунинг натижасида, жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали брифинглар, учрашувлар, чиқишлар тарзида хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Сайёр суд мажлислари ва оммавий қабуллар кўлами янада кенгайтирилиб, ўтказиладиган учрашувлар сони кескин оширилди.

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик алоқалари янги босқичга олиб чиқилди. Улар билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш учун Олий судда **Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (PR Марказ), вилоят ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизматлари** ташкил этилди.

Очик суд мажлисларида кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиш ҳуқуқи амалда таъминланди. Шунингдек, тегишли халқ депутатлари кенгашларига суднинг фаолияти тўғрисида йилига камида бир мартаба ахборот бериш тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга, *Концепция мақсадидан келиб чиқиб бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, шу жумладан:*

- судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгиловчи ва улар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган;
- аҳоли орасида суд ҳокимиятининг ижобий тимсолини шакллантириш ва илгари суриш бўйича кўрилатган чоралар етарли эмас;
- ахборот маконининг доимий мониторингини олиб бориш етарли даражада ташкил этилмаган;
- суд фаолияти ҳақида аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш амалиёти етарли даражада йўлга қўйилмаган;
- судлар фаолиятига доир ахборотлар бўйича жамоатчилик фикрини таҳлил ва прогноз қилиш, шунингдек танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган материалларга, ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш даражаси етарсизлигича қолмоқда;
- судларнинг расмий веб-сайтлари қонунчилик талаблари даражасида янгиланиб борилмаган;
- судлар матбуот хизматларининг фаолиятини янгича ёндашув
- ва усуллар асосида йўлга қўйиш даражаси пастлигича қолмоқда;



- видеотасвирлар, контентлар яратиш бўйича мутахассислар зарурати мавжуд бўлиб, бу учун алоҳида штатлар жорий этилмаган;
- судларнинг матбуот хизматлари моддий-техник базаси замонавий талаблар даражасида етарлича таъминланмаган;
- судларнинг матбуот хизматлари тузилмаларини профессионал кадрлар билан тўлдириш чоралари кўрилмаган, шунингдек уларнинг доимий малака ошириши самарали ташкил этилмаган ва кадрлар салоҳияти замонавий талабларга зарур даражада жавоб бермайди;
- барча ижтимоий тармоқларда судларнинг саҳифалари тўлиқ яратилмаган.

3-БОБ. СУДЛАР АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Қуйидагилар судлар ахборот сиёсатининг **устувор йўналишлари ҳисобланади:**

- жисмоний ва юридик шахслар учун ахборотларнинг очиклиги ва уларни олиш имкониятини яратиш;
- судлар фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотларнинг
- ўз вақтида ва ҳолисона тақдим этилишини таъминлаш;
- судлар фаолиятига доир ахборотни олишда одил судловни амалга оширишга аралашмаслик;
- тақдим этилиши қонун билан тақиқланган ахборотни тарқатмаслик;
- судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги.

Қуйидагилар судлар ахборот сиёсатининг устувор вазифалари ҳисобланади:

- фуқароларнинг судлар фаолияти тўғрисидаги ҳолис, тўлиқ ва ишончли ахборотларни ўз вақтида олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш;
- Олий суд ва қуйи судларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилувчи тузилмаларининг иш фаолиятини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиб, шиддат билан ўзгариб бораётган ахборот маконида уларнинг янгича ёндашув ва усуллар асосида фаолият юритишини йўлга қўйиш;
- судлар фаолияти билан боғлиқ турли манбаларда эълон қилинадиган ноҳолис ва бир томонлама ахборотлар бўйича зудлик билан муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйиш;
- судлар фаолиятини тўғри ва ҳолисона, қонун талаблари доирасида ёритишни ташкил этиш мақсадида журналистлар ва блогерлар учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш;
- кенг жамоатчиликда судлар фаолияти бўйича объектив ва ҳолисона фикр-мулоҳазалар ҳамда қарашларни шакллантириш мақсадида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда турли шакл ва кўринишдаги чиқишларни ташкил этиш;
- аҳоли орасида суд ҳокимиятининг ижобий тимсолини шакллантириш ва илгари суриш бўйича чоралар кўриш;



- ахборот маконинг доимий мониторингини олиб бориш;
- судларнинг расмий веб-сайтларини қонунчилик талаблари даражасида янгилаб бориш ва уларнинг оммабоплигини ошириш;
- видеоматериаллар, контентлар яратиш бўйича мутахассисларни ишга қабул қилиш ва бу учун алоҳида штатлар жорий этиш;
- судлар матбуот хизматларининг моддий-техник базасини замонавий талаблар даражасида таъминлаш;
- судларнинг матбуот хизматлари тузилмаларини профессионал кадрлар билан тўлдириш, шунингдек уларнинг доимий малака оширишини самарали ташкил этиш чораларини кўриш ва кадрлар салоҳиятини замонавий талабларга етказиш;
- барча ижтимоий тармоқларда судларнинг саҳифаларини тўлиқ яратиш ва самарали фаолиятини ташкил этиш;
- судларни оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш ва Интернет-ресурслари билан ишлаш бўйича мутахассислар билан таъминлаш;
- судларнинг ахборот ресурслари (хусусан, нашрлар, мобиль иловалар, ижтимоий тармоқлар, ахборот ва таълим лойиҳалари, видео контентлар) сонини ошириш;
- аҳолининг суд-ҳуқуқий ва суд-ахборот саводхонлиги даражасини ошириш;
- судлар фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга эришиш даражасини юксалтириш;
- судлар фаолияти тўғрисидаги ёлғон ахборотларни ёки судьяларни обрўсизлантириш ҳақидаги маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик чегараларини белгилаш.

4-БОБ. СУДЛАРНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Қуйидагилар судларнинг **ахборот сиёсатини амалга ошириш механизмлари** ҳисобланади:

- аҳолининг судлар фаолияти ҳақидаги тушунчаларини оммалаштириш;
- судларда самарали ва барқарор ахборот-маърифий муҳитини шакллантириш;
- судлар билан оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- судларнинг ахборот соҳасидаги манфаатларини таъминлаш;
- судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этишда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш.



1-§. Аҳолининг судлар фаолияти ҳақидаги тушунчаларини оммалаштириш

Аҳолининг судлар фаолияти ҳақидаги тушунчаларини оммалаштириш суд жараёнлари ва суд қарорлари юзасидан жамоатчилик ўртасида тўғри ва холисона фикрни шакллантириш имконини беради, шунингдек, суд ҳокимиятининг нуфузи, мавқеи ва обрўсини янада юксалтиради, кенг жамоатчилик ўртасида судлар фаолияти ҳақида дунёқарашни кенгайтиради.

Аҳолининг судлар фаолияти ҳақидаги тушунчаларини оммалаштириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- судларнинг веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, ахборот каналлари ва платформаларини мунтазам равишда янгиликлар билан тўлдириш;
- судларда “менинг маҳаллам – менинг судьям” шиори остида очик эшиклар кунини ташкил этиш ва бунда судлар фаолияти ҳақида аҳолини яқиндан таништириш;
- судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини мониторинг қилиш (сўровнома ўтказиш ва бошқа усуллар билан);
- оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш;
- судларнинг музейларини яратиш ва мазкур музейларга мактаб ўқувчилари, талабалар, ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг экскурсияларини ташкил этиш;
- судларда ҳуқуқий ахборотни тарғиб қилиш бўйича турли тадбирларни ўтказиш учун ахборот-маърифий залларни очиш.

2-§. Судларда самарали ва барқарор ахборот-маърифий муҳитини шакллантириш

Судларнинг ахборот сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу ягона тамойиллар асосида ягона ахборот маконини, маълумотлар базалари ва маълумотлар банкларини, уларни юритиш ва улардан фойдаланиш технологияларини, ахборот тизимлари ва ахборот-телекоммуникация тармоқларини яратиш ҳисобланади.

Ягона ахборот макони негизида судларнинг самарали ва барқарор ахборот-маърифий муҳитини шакллантиришга оид судларнинг ахборот сиёсати йўналиши ўз ривожини ва қонунийлигини топиши зарур.

Судлар фаолиятининг таълим компоненти ички ва ташқи кўринишларни ўзида бирлаштиради. *Адолат ҳақидаги билимлар (ташқи таълим компоненти) қуйидагилар ҳисобига эришилиши лозим:*

- аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш учун таълим ташкилотларида (мактаблар, коллежлар, олий таълим муассасаларида) тушунтириш ишларини олиб бориш;



- турли даражадаги таълим муассасалари билан қўшма илмий ва маърифий тадбирларни ўтказиш (семинарлар, танловлар, давра суҳбатлари, конференциялар);
- судларнинг мактаб ўқувчилари ва талабалар учун касбий йўналиш дастурларида иштирок этиш имкониятларини яратиш;
- судларда юридик мутахассислик талабалари учун амалий машғулотларни ташкил этиш;
- талабалар иштирокида эксперимент суд мажлисларини ўтказиш;
- судларнинг расмий веб-сайтларида судга мурожаат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар бўйича фуқароларнинг ҳаракатлари алгоритмининг тушунтирувчи судларнинг ахборот-маърифий фаолиятига оид қўшимча саҳифалар, интернет саҳифаларини яратиш.

Ахборот-маърифий тадбирларни амалга ошириш судларнинг ташкилий хусусиятлари билан боғлиқ. Бир таркибли туман судларида судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш юкларини кўп бўлиши мумкин ва уларга ортиқча вазифаларни юклаш нотўғридир.

Шу муносабат билан, ахборот-маърифий фаолиятига суд фахрийларини, нафақадаги фахрий судьяларни, судьяларнинг жамоат бирлашмаларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Судьялар ва суд аппарати ходимлари учун ички таълим компоненти алоҳида аҳамиятга эга. Компьютерлар, ахборот ресурслари, судлар билан ишлашда судьялар ва суд аппарати ходимлари ўртасидаги кўникмаларнинг паст даражада эканлиги ахборот муҳити тараққиётининг кечикишига олиб келади.

Бундан ташқари, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги, судларни ахборотлаштириш соҳасида қонун ҳужжатларини қўллаш масалаларига бағишланган ўқув курсларини юридик олий таълим муассасаларининг ва биринчи навбатда, Судьялар олий мактабининг ўқув дастурларига киритилиши керак.

3-§. Судлар билан оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш

Судлар билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги юқори даражадаги самарали ҳамкорликка эришишда суд аппарати ходимларининг малакаси, уларнинг профессионалиги, чуқур билимга эгаллиги муҳим саналади. Бунда, судлар матбуот хизматларининг асосий вазифаларини аниқ белгилаш лозим бўлади.

Қуйидагилар судлар **матбуот хизматларининг асосий вазифалари** ҳисобланади:

- аҳоли орасида суд ҳокимиятининг ижобий тимсолини шакллантириш ва илгари суриш;
- суд фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот



анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

- ахборот маконининг доимий мониторингини олиб бориш, судлар фаолиятига доир ахборотлар бўйича жамоатчилик фикрини таҳлил ва прогноз қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган материалларга, ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш;
- суднинг расмий веб-сайтларида унинг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш;
- суд мажлисида оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштироки режалаштирилаётганда уларни аккредитациядан ўтказиш;
- суд мажлисларида журналистлар ишини ташкил этиш;
- пресс-релизлар тайёрлаш ва уларни чоп этиш учун ҳудудий оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- журналистлар учун брифинглар, семинарлар, учрашувлар ташкил этиш;
- судлар фаолияти тўғрисидаги ижтимоий фикрларни таҳлил қилиш мақсадида ахборот ресурсларини мониторинг қилиш.

Судлар билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик сифатини оширишда судларнинг матбуот хизматлари томонидан материаллар тақдим этиш стандартларини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш лозим. Ҳар бир суднинг матбуот хизматлари ўз фаолиятини медиа дастурлар асосида олиб бориши керак.

Судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келиши мумкин бўлган баҳсли (низоли) вазиятларни ҳал қилиш тартиби ва усуллари масаласига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

4-§. Судларнинг ахборот соҳасидаги манфаатларини таъминлаш

Судларнинг ахборот соҳасидаги манфаатларини таъминлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд.

Бунда:

- судлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини ўрнатиш бўйича янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш;
- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда малакали суд мухбирларини шакллантириш;
- судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган ташкилий чораларни амалга ошириш;
- оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни судларнинг процессуал ва процессуал характерга эга бўлмаган фаолияти тўғрисида хабардор қилиш стандартларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш керак.



Судларнинг матбуот хизматлари ахборот маконининг доимий мониторингини олиб бориш орқали суд фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикри динамикасини таҳлил қилиш, ижтимоий нуқтаи назаридан келиб чиқиб бундай фаолиятнинг қизиқарли жиҳатларини аниқлаш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг эълон қилинишига тезкор муносабат билдириш имконини яратади.

Оммавий ахборот воситалари томонидан судьялар ва судларга босим ўтказиш бўйича ҳаракатлар аниқланган ҳолларда уларнинг обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ушбу вазиятга дарҳол ва холисона муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйиш зарур.

5-§. Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этишда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш

Судларнинг ахборот сиёсати доирасида маълумотларни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини ўз вақтида жорий этиш ва фуқаролар ҳуқуқларини, шу жумладан шахсий ва оилавий сирга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўртасида ижтимоий чегарани ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш зарур.

Хизмат вазифаларини бажаришда маълум бўлган шахсга доир маълумотларни етарли даражада сақлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг шахсга доир маълумотларга оид қоидаларига, шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш бўйича локал ҳужжатларга, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш талабларига риоя қилиш лозим.

Судларнинг ахборот ресурсларига хавфсиз кириш ва персоналлаштириш муаммоси ҳар доим ҳам долзарбдир. Ҳар бир судьяда, суд аппарати ходимида индивидуал логин ва пароль борлиги ва бундай маълумотларни учинчи шахсларга ўтказишга йўл қўйилмаслигини таъминлаш керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шахсга доир маълумотларнинг ваколатсиз ва номаълум шахслар томонидан, шунингдек улар фойдаланадиган техник воситалар ёрдамида ноқонуний равишда қайта ишланиши ва тўпланишига қарши курашиш чора-тадбирларини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Судларнинг ахборот хавфсизлиги ва уни амалга ошириш шакллари қуйидагилар билан бирга олиб борилиши лозим:

- барча даражадаги судларда компьютер хавфсизлигини таъминлашга, суд иш юритувида фойдаланиладиган маълумотларни киберҳужумлардан ҳимоя қилишга қаратилган таъсирчан чораларни кўриш;
- судларнинг ахборот тизимларидаги шахсга доир маълумотларнинг криптографик ҳимоясини таъминлаш;
- электрон идентификациялашнинг, электрон суд процесси хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлашнинг бошқа воситаларини янада ривожлантириш;
- маълумотларни қайта ишлаш алгоритмларини тартиблаштириш ва бундай маълумотлардан фойдаланиш.



5-БОБ. КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали судларнинг ахборот сиёсатида қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

- суд соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ва яратилаётган имкониятларни жамоатчиликка етказиш бўйича барқарор алоқа механизмини яратиш орқали аҳолининг судларга бўлган ишончи оширилади;
- фуқароларнинг тақдим этган мурожаатлари кўриб чиқилишига оид эътирозлари ва сарсонгарчиликларининг олди олинади;
- фуқароларнинг судлар фаолияти тўғрисидаги холис, тўлиқ ва ишончли ахборотларни ўз вақтида олиш ҳуқуқлари таъминланади;

Олий суд ва қуйи судларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилувчи тузилмаларининг иш фаолияти янгича ёндашув ва усуллар асосида ташкил этилади;

- судлар фаолияти билан боғлиқ турли манбаларда эълон қилинадиган ноҳолис ва бир томонлама ахборотлар бўйича зудлик билан муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйиш орқали ишончли расмий ахборот манбаси шакллантирилади;
- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тўғри ва холисона, қонун талаблари доирасида ёритишни ташкил этиш мақсадида журналистлар ва блогерлар учун махсус ўқув курслари ташкил этилади ва уларнинг бу соҳадаги ҳуқуқий билими оширилади;
- кенг жамоатчиликда судлар фаолияти бўйича объектив ва холисона фикр-мулоҳазалар ҳамда қарашларни шакллантириш мақсадида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда турли шакл ва кўринишдаги чиқишлар амалга оширилади;
- аҳоли орасида суд ҳокимиятининг ижобий тимсолини шакллантириш ва илгари суриш бўйича зарурий чоралар кўрилади;
- ахборот маконининг доимий мониторинги олиб борилади;
- судларнинг расмий веб-сайтлари қонунчилик талаблари даражасида янгилаб борилади ва унинг фаоллиги янада оширилади;
- судларнинг матбуот хизматлари фаолиятини янгича ёндашув ва усуллар асосида йўлга қўйилади;
- судлар матбуот хизматларининг моддий-техник базаси замонавий талаблар даражасида таъминланади;
- судларнинг матбуот хизматлари тузилмаларини профессионал кадрлар билан тўлдириш, шунингдек уларнинг доимий малака оширишини самарали ташкил этиш чоралари кўрилади;
- барча ижтимоий тармоқларда судларнинг саҳифалари тўлиқ яратилади;



- судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш ва Интернет-ресурслари билан ишлаш бўйича мутахассислар тайёрлаш даражаси оширилади;
- аҳолининг ҳуқуқий ва ахборот саводхонлиги даражаси юксалтирилади;
- судлар фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга эришиш даражаси оширилади;
- суд фаолияти самарадорлигини, судларнинг очиқлиги ва одил судловга эришишнинг қулайлигини баҳолаб борувчи халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг нуфузи яхшиланади.



**2023 – 2026 йилларга мўлжалланган
Суд тизимининг ахборот сиёсати концепцияси**